Кайтишга тез шайланар.
Яна кайта тиклангай,
Фаунала, флоралар.
Хайвон-у паррандалар,
Яшил ўрмон оралар.
Дайди кумлар ва тузлар,
Кўтарилмас хавога.
Вакт келиб, қора кўзлар,
Тушар гўзал маъвога.
Зичлашса саксовуллар,
Кўпаяр кирговуллар.
Насиб этса кўрарсиз,
Пайдо бўлар овуллар.
Табиат инъом этса,
Оқар сувлар шовуллаб.
Бу ерларни соғиниб,
Учиб келади қушлар.
Баъзи бир содиқлари,
Оролбўйида кишлар.
Макон топгай шу ердан,
Сайгоқлару жайронлар.
Яшилликка бурканар,
Очик сахро-сайхонлар.
Чўл айланар бўстонга,
Кўйлар тўлар кўтонга.
Сидкидилдан ҳаракат
Килсак бўлар баракат.
Ният қилиб шу тобда,
Ашъор битдим оқ тонгда.

Азамат СУЮН

янада кенгайиб, яшилликка бурканса ажаб эмас. Шубҳасиз, бу эзгу ишлар, саъй-ҳаракатлар муҳтарам Президентимизнинг бевосита ташаббуси самарасидир.

Уч кунлик хизмат сафаримиз давомида шунга амин бўлдикки, мўйноқликларнинг юз-кўзларидан шундоқкина умид учкунлари порлаб турганини сезиш қийин эмас. Улар республикамизнинг барча худудларидан келган минглаб хашарчиларнинг қадами қутлуг келганидан, ҳаммаёқ обод бўлиб, бу чекка туманга фазл-бароқа ёғилаётганидан далолат, деб билмоқдалар.

Азамат СУЮНОВ, журналист,
Тошкент-Мўйноқ-Тошкент

ТЕЗКОР ЁРДАМ

2019 йил 17 февраль куни соат 18:50 да Самарканд шакар Беруний кўчасидаги хонадонлардан бирида истикомат килувчи фукаро бошкарма навбатчилик кисмига ўфлиннинг ўнг қўли уй шароитида фойдаланиладиган электр гўшт кий-малагич ичига кириб қолганлиги камда фарзандини РШТЎИМ Самарканд филиали жарроклик бўлимига олиб борганлиги тўғрисида хабар берган.

Хабар олинганидан сўнг зудлик билан бошкарма масъул навбатчиси ва 5 нафар кутқарувчи РШТЎИМ Самарканд филиали жарроклик бўлимига етиб боришди.

Боланинг кисилик қолган қўл бармоқлари жарокатининг катталашшига йўл қўймасдан чиқариб олиш бўйича тиббий ходимлар ва кутқарувчиларнинг камкорликда тузилган режаси операция столида муваффақиятли амалга оширилди.

Кутқарувчиларнинг ўта эктиёткорлик ва макорат билан амалга оширган қаракатлари натижасида фавқулодда вазият бартараф этилди ва жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатилди.

Майор Ш.АХ.МЕДОВ,
Самарканд вилояти ФВБ ходими

КИШЛОК ХУЖАЛИГИ МЕТЕОРОЛОГИЯСИНИНГ ИЗОШЛИ ЛУГАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Д.
Дўлга қарши кураш. Булутларда дўл қосил бўлиши, унинг ёғини, одатда ёз ойларида, олдини олишга қаратилган техник тадбирлар тизими. Метеорологик радиолокатор ёрдамида улкан ёмғирли тўп булутларда дўлнинг қосил бўлиш ўчоқлари аниқланади. Топилган участкаларга махсус кимёвий реагентларни (каттик угле-кислота, йодланган кумуш, йодланган кУрФОшинни) самолётлардан аэрозол генераторлари ёрдамида булутларга сочиш орқали ёки махсус ракеталар ёрдамида киритилади. Реагентларнинг киритилиши натижасида булутдаги БУЛҒУСИ дўл уялари марказлари — конденсация ядроларининг миқдори ошади, ўта совук булутларнинг коллоид бардошлилиги бузилади; булутдан тушиш чоғида майда дўлчалар қавонинг нолинчи изотермидан паст бўлган илик қатламларидан ўтиш чоғида эриб кетади. Ана шундай таъсир остида ёмғир ёҒИДИ, [қ-х. экинларини] [дўл уришининг] олди олинади. Д.к.к. тоҒлар орқалиҒидаги йирик водийларда (мас., Марказий Осиёнинг ФарҒОна, Ғисор водийларида, Шим.Кавказнинг Алазан водийсида, Днестр ёнбаҒирларида ва б.)

Э.
Эдификаторлар (лот. aedificator - қурувчи). Фитоценозлар асосини ташкил этувчи ўсимлик турлари бўлиб, кучли мукит қосил килувчилик хусусиятига эга. Э. асосан фитоценозларнинг хоссаларини: тузилиши, таркиби, фитомукити, унумини, шунингдек, бошқа ёнма-ён ўсувчи ўсимликларнинг яшаш шароитларини белгилайди. Мас., жанубий чўлларга оид Э. - чалов, бетага; боткокли пасттексисликка оид - илоқлар; ўрмонга оид - эман, арча; сакрога оид - саксовул, кум илоқи ва к.к.

Киёс.: Доминантлар.
Эфемероидлар. Кўп йиллик ўт ўсимликлари бўлиб, ер усти органлари фақат намлик захиралари илдиз жойлашган тупрок қатламларида етарли (тупрокнинг 0 - 20 см. қатламида > 4 мм.) камда қавонинг қарорати мусбат (> 5 °С) бўлган шароитлардагина ривожланади. Жанубий кудудларда бундай шароит одатда кузги-кишки-бакорги мавсумда юзага келади. Иссик ва қуруқ ёз келиши билан ўсимликларнинг ер усти қисми қуриб қолади, ер ости (илдизмевалари, илдизлари ва пиёзлари) ўз қаёт лаёқатини бир неча йиллар давомида саклаб қолади. Куз қурҒОк ва киш совук келганда Э. вегетацияси фақат бакор фаслида кечади. Э. тоифасига қуйидагилар қиради: чўл ва кум илоқи, тоҒарпа, лола ва б. К.-х. қайвонлари озун мувозанатини саклашда (айниқса, қурҒОкчил йилларда) Э. қатта ақамиятга эга.

Эфемерлар (грек. ephemeros - бир кунлик, умри қисқа). Бир йиллик ўт ўсимликлари, тўла ривожланиш даврийлиги (уруҒдан уруҒгача) кузги-кишки-бакорги мавсумда, тупрокдаги намлик захиралари 0 - 20 мм. қатламда 4 мм.дан ортик ва қаво қарорати 5 °С дан юқори бўлганда никоёсига етади. Куз қурҒОк ва киш совук келганда Э. вегетацияси фақат бакор фаслида кечади. Э. тоифасига бир йиллик бошоқдошлар, чоргулдошлар, дукқаклилар ва б. киритилади. Сернам йилларда улар ўсимлик қопламида устуворликка эга бўлганда к.-х. қайвонлари озун мувозанатида уларнинг ақамияти анча ошади.

Эктимолли хато. Статистик қаторнинг тавсифи бўлиб, 0,674 ўртача квадрат четланишига тенг; айрим ўлчов натижаларининг асл миқдorigа нисбатан тасодифий четланишга эга бўлган ўзгарувчан ифодаларига нисбатан қўлланилганда, эктимолли четланишнинг худди ўзи.

(Хромов, Мамонтова бўйича, 1974.)

(Давоми бор)

Аъло АБДУЛЛАЕВ, Малокат РЎЗИЕВА

Навоий кон-металлургия комбинатининг Марказий кон бошкармасига қарашли Автомобиль транспорт бошкармаси, "Мурунтау" кон бошкармаси объектларида ташкил этилган ёнҒин техник комиссиялари билан йиҒилиш ўтказилиб, содир бўлиши мумкин бўлган ёнҒинлар ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари какида мукокамалар олиб борилди. Шу билан бирга, кудудда жойлашган "Мурунтау" кони саноат майдонини иситиш ва иссик сув

ИШ КИЗГИН

билан таъминловчи қозонхонада ёнҒиннинг олдини олиш борасида ёнҒинга қарши қолати яна бир бор кўздан кечирилди. Қозонхонада 6 та печка мавжуд бўлиб, 1 таси доимий иш фаолиятида, ушбу маскан туну-кун навбатчилик тартибда фаолият юритади. Асосан совук кунлари энергетикларнинг хулосасига кўра, кўчада қаво қарорати

90°Сдан ошганда 2 та печка ишга туширилади. Ундан ташқари, "Мурунтау" кон майдонидаги тоҒ-кон техникаларининг ёнҒинга қарши ақволи камда уларни янада яхшилашга қаратилган мавзуларда кам соқага оид мукокамалар олиб борилди. Бессапан саноат ишлаб чиқариш майдонидаги Темир йўл транспорт бошкармасига қарашли темир йўл транспорт воситалари тепловоз ва ОҒир юкларни ташишга мўлжалланган вагонларда ёнҒиннинг олдини олишга қаратилган кўриқлар ўтказилди. Шу кунги ўта муким объект қисобланган 2-гидрометаллургия завоdigа қарашли автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва фойдаланиш участкасида қатта ва кичик автотранспорт воситаларида кам ёнҒинга қарши текширув ва профилактик тадбирлар ўтказилиб, бирламчи ёнҒин ўчиргичлар билан таъминланганлиги ва дивигатель қисмларининг ёнҒинга қарши қолати ўрганилиб чиқилди, аниқланган қолатлар бўйича бартараф этиш чоралари кўрилди.

Зарафшон шакар ақоли яшаш хонадонларида кам соқа ходимлари томонидан шакардаги газ хизмати, мақалла фуқаролар йиҒини, Мажбурий ижро бюроси ва ёнҒинга қарши курашиш жамияти ходимлари билан камкорликда фуқароларнинг ис га-

зидан, газ ва электр мосламаларидан хавфсизлик талабларига риоя қилган қолда фойдаланиш, бу каби мосламаларни ишлатишда узок вақт мобайнида қаровсиз қолдирмаслик, иситиш печлари мўриқонларини созлигини доимий назорат қилиш, носоз қўлбола ва ўзбошимчилик билан ўрнатилган газ ва электр усқуналаридан фойдаланмаслик тўғрисида ёнҒин хавфсизлиги қоида ва талабларига риоя қилиниши юзасидан тарҒибот ишлари кам олиб борилди.

Шундан сўнг фуқароларнинг бу борадаги зарурий кўникмаларини ва билим савиясини ошириш мақсадида 3-сонли Тиббий санитария қисми ва Зарафшон қурилиш бошкармасига қарашли ётоқхоналарда фуқаролар билан учрашувлар ўтказилиб, унда республикамик кудудларда содир бўлаётган ёнҒинлар ва ис газидан зақарланиш қолатлари какида миқсоқлар билан тарҒибот-тушунтириш ишлари ўтказилди. Хонадонларда ўрнатилган газ усқуналаридан фойдаланиш талаблари газ қидини сезганда, қандай зарурий чоралар қўллаш тартиби ва шу каби бир қатор талаблар мутахассислар томонидан тушунтирилди. Амалий тарзда кўникмалар ва тавсиялар берилди.

Қатта сержант М. АЙИТОВ,
НКМК ДҚ ЁнҒин хавфсизлиги
бошкармаси мукандиси



ДУНЁ

Бу ажиб сирли дунё,
Синовлари кўп экан.
Ким учун чаман, гулзор,
Кимга талатўп экан.
Менда қасдинг бормиди,
Бир номардга хор этдинг.
Хаттоки жигарларнинг,
Дийдорига зор этдинг.
Адолатинг йўқмиди,
Кимни бебахт айладинг.
Кимга бериб чексиз бахт,
Шодлик билан сийладинг.
Бир кам дунё бу дунё,
Кемтиклари кўп экан.
Гокида гул тутқазса,
Гокида санчар тикан.
Секру кикматли дунё,
Тўлик англаб етмадим.

Барибир, сен яхшисан,
Сендан кечиб кетмадим.

Ешлик

Мен ёш эдим, сарқаш эдим,
Хаёт недир билмас эдим.
Ёшлик энди қолиб кетди,
Сарқашлигим олиб кетди.
Суйдим сени суйганимча,
Куйиб бўлдим куйганимча.
Яшадим мен билганимча,
Юракларим толиб кетди.
Мен қанчалик соҒинсам кам,
Ўтган йиллар қайтиб келмас.
Ўксик дилим кемтиклигин,
Афсус, бирор кимса билмас.
Мен ёш эдим, сарқаш эдим,
Чиройимга сармаст эдим.

Ёшлик энди қолиб кетди,
Чиройим кам олиб кетди.

АЙРИЛИК

Тақдир бизни айирди,
Мен сенга бегонаман.
Сени қўмсаб бир умр,
Хижронларда ёнаман.
Айрилиқ ўти ёмон,
Куйдирди мени тамом.
Қанча йироқлашмайлик,
Юрак чопар сен томон.
Халоватсиз кунларим,
Бедор ўтар тунларим.
Ичимда гунг маккумдир,
"Жоним" деган унларим...
Бу исмим хато ахир,
Бизни айирди тақдир.

Шу тақдирда қасдим бор,
Менинг исмим Интизор.

ЧАШМА

Чашма бўйига бордим,
Ёр сени кўриб қолдим.
Сарв қадли николим,
Келармисан ёнимга...
Сочларинг ўрим-ўрим,
Зорим бору йўқ зўрим.
Бир бора сўраб қолим,
Келармисан ёнимга...
Юришларинг чиройли,
Кулишларинг чиройли.
Қаламқошли гулойим,
Келармисан ёнимга...
Чашма бўйига бордим,
Ёр, сени кўриб қолдим.
Севги деган савдони,
Жонимга сотиб олдим...



Муяссар САИДОВА

МЎЛ досил ГАРОВИ

Дехкон ерга уруг кадаб ёхуд кўчатни экканидан бошлаб, то ҳосилни йиғиштиргунга қадар кўп захмат чекиши аник. Кўчатларни турли касаллик ва зараркунандлардан химоя қилиш ер эгасидан чуқур билим талаб этади. Хозирда помидорларда учрайдиган айрим касалликлар хақида тўхталаск.

Помидорнинг фузариоз сўлиш касаллиги - вилт помидорнинг пастки барглари, аксари ҳолларда бир томонидан саргайиши ва ўсимликлар сўлгин бўлиб қолишидан бошланади. Сўлган барглари куриб, тушмасдан новдаларда осилиб қолади. Новдалар ҳам ўсимликнинг бир томонида сўлиши мумкин, кейинчалик

бутун ўсимлик сўлийди.

Новдалар устида сарик чизикчалар пайдо бўлади. Зарарланган ўсимликлар сўлишдан олдин заифлашади ва бўйи жуда паст бўлиб қолади. Зарарланган помидор ўсимликларининг илдиз бўғзида пушти могор кўриниши мумкин. Замбуруғнинг хламидоспоралари тупрокда 11 йилгача сакланиши, кўзгатувчи уруг орқали ҳам ўтиши мумкин.

Хўш, ушбу касалликка қарши қандай чораларни қўллаш мумкин. Иссикхоналарда тупрокни илдиз

етган чуқурликкача, одатда 25 см. гача буг билан зарарсизлантириш муҳим аҳамиятга эга. Фузариоз сўлишнинг жуда кучли ривожланиши кузатиладиган минтакаларда зарарсизлантирилган тупрокка чидамли навларни ёки пайванд қилинган помидор кўчатларини экиш тавсия қилинади. Уругликни самарали фунгицид билан дорилаш, алмашлаб экиш, ўсимлик қолдикларини йўқотиш, экин яхши ўсиши ва ривожланиши учун зарур агротехника қоидаларига риоя қилиш, ўсимликларнинг қўшимча

томирлари ривожланиши учун тупрок устига мулча солиш, касал кўчат ва ўсимликларни юлиб олиб ташлаш, ортикча азотли ўғит бермаслик, сўлишга чидамли навларни экиш - тупрокни зарарсизлантиришда қўшимча кураш чоралари деб ҳисобланади. Биологик кураш чораси сифатида «Trichoderma» замбуруғи асосида олинадиган Триходермин препаратини қўллаш ҳам яхши натижалар беради.

Дилдора РАЗЗОКОВА,
Тошкент вилояти, "Яллама"
ўсимликлар карантини чегара
маскани агроном инспектори

МАКТУБМИ ЁКИ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚ?!

Кўпинча яқин инсонларимизга дилимиздагиларни, дейлик, уларга нисбатан меҳримиз ўзгача эканлигини юз кўришганда баралла айтишга кўпма журъатимиз етавермайди. Буни билишини истасак-да, айтолмаймиз. Инсон характери шунақа, ўз туйғуларини яқинларининг кўзига боқиб сўзлашга хамиша ҳам қодир эмас. Шунда бизга мактуб ёрдамга келади.

Мактуб тарихий ихтиро десак, муболага бўлмас. Неча асрқи, мактуб инсон кечинмаларини ўз бағрида жо қилиб, унга ўзгача муносабат билан қаралиб келинаётган эди. Бирок тараккиёт отлиг улкан "машина" қисмлари - телефон, компьютер, интернет янглиг воситалар майдонга чиқди-ю, хатжилдга солинган туйғуларимиз, коғозга тўкилган кечинмаларимизнинг "аригига сув ўтмай қўйди". Сиеҳу коғоздан виртуал шаклга кўчган туйғулар тўмтоқлашди, кечинмалар сохталашди. Буюк боболаримиз яқинларига чопару почта орқали йўллаган мактублари қаерда-ю, бугунги "мактуб битувчи"ларнинг "chat", "telegram" каби ижтимоий тармоқлар орқали дўстларига битаётган, ёзув ва турли белгиларнинг аралашкуралаш ишлатилишидан яралган хатлар қаерда? Навоий хатларининг йиғиндиси ҳисобланган "Муншаот" асари неча асрқим, минглаб адабиёт мухлислари томонидан ўрганилмоқда, миллионлаб китобхон севиб ўқияпти.

Буюкларни қўя турайлик. Оддий одамларнинг, масалан, ошиқнинг севгилисига, аскарнинг онасига ёзган мактубларини кўз олдингизга келтиринг. Узок манзилда ўқиётган ўғилга онанинг ёзган хатини ёдга олайлик. Унда она калбининг тафти сезилиб турарди. Хол-ахвол сўрашдан

ташқари, унинг мактубидан дунёнинг хабарини билиб олса бўларди. Кишлоқда ким уйланганию, ким турмушга чиққани, ким тугилгани-ю, ким бу дунёни тарқ этганига битилганларидан кўнгли тўлмай, "яна нимани ҳам ёзай", -деб мактубига яқун ясаган оналаримиз...

Аскар ўғлидан мактуб олган онанинг ҳолатини ҳеч қузатганмисиз? Болажонимдан, Алпомишимдан хат келди деб, шошиб ўзининг хурсандчилигини яширолмай атрофига оиласини - келин-набираларини йиғиб, хатни фарзандларига ўқитади. Хатда ёзилган сўзлардан онанинг кўзларига ёшлар дурдек қизиб, қалқиб чиқади. Ўғлининг мактубида битилган сўзларни эшитиб, кўнгли тоғдек юксаларди. Она мактубни кўлига олиб, хатжилдига солиб, ўпиб, ёстигининг тагига олиб кўярди. Хар сафар ўғлини соғинганида ўша мактубни олиб ўқирди.

Қаранг, хат қанча вазифани бажарган ўша кезлар. Мактуб ёзишда яна бир аёнча бўлган аслида. "Хатимда хатлар бўлса, узр", -дейилган. Энди-чи?! Энди одамлар бир-бирига битаётган хатини ёппасига "хато" ёзишмоқда. Телефонингизга тўрт катор матн келса, ана шу матнда қамада бешта хато чиқиши бугун оддий ҳолга айланган. Афсуски, мана унинг қисқача намунаси:

- Salom! Iwlarqalay? (Салом! Ишлар қалай?)
- Уиде (Йўг-е!)
- Tugrisi (Тўгриси!)
- Kuniz (Қунигиз!)
- Yaxwi (Яхши!)
- 4ar4ama! (Чарчама!)

Бундай мисолларнинг охири йўқ. Қулайдан қулайига эришгани сари инсон бугун неча аср

изтиробларига йўлдош, туйғуларга сирдош бўлиб келган мактубни аста-секин енгил-елпи нагмаларга алмаштира бошлади: симли телефон ихтиро қилинганча, нома йўллаш аёнчаси деярли йўқолиб борди. Интернету кўл телефони яратилганча, коғозу сиеҳ, марка-ю, хатжилдни бир четга суриб, шундай кичик-кичик SMS ёзишга ўтиб олди.

"XXI аср ёзуви" саналаётган бу қурама тил, афсуски, кўл телефону интернетдан фойдаланмаётган хар бир ёшнинг "қалб изхорлари" воситасига айланмоқда, улар дил розларини бир-бирига шу тилда ифодалашмоқда. Аввалги адабий тилда битилган аскар мактублари, муҳаббат мактублари, соғинч мактублари, табрик мактублари ўрнини энди телефону интернет тилида ёзилаётган юқоридегайдиган енгил-елпи, шунчаки эрмак учун битилаётган хатлар эгалламоқда...

Қун келиб, бу аралаш-қуралаш ёзув ёки изхор тили одамларни зериктириши, оқибатда кишилар теран ва тиник туйғуларни ифода этадиган янги воситани қидиришга тушиши табиий. Шунда жавондаги бадиий китобларни тита бошлайди ва Фарходнинг Ширинга, Шириннинг Фарходга, Лайлининг Мажнунга, Мажнуннинг Лайлига, Қумушнинг Отабекка, Раънонинг Анварга йўллаган мактубларини топиб ўқийди. Кейин ёзажак номаларини ўшалар тилида ёза бошлайдики, шунда уларнинг ички кечинмалари, бедор туйғулари, бесар хаёллари рўй-рост номаларида бўй кўрсата бошлайди.

Зеро, тиник ва бегубор туйғулар ила юксак маънавияту маърифат билан битилган чинакам дил номалари, яъни хақиқий мактублар ҳеч қачон ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотмагачи...

Озода ЭЛМИРЗАЕВА, Қарши шаҳридаги
15-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Тошарик кишлоғи бутун республикада машхур жойлардан. Кишлоқ аҳолиси етиштирадиган қалампир, сўпурғилар бутун мамлакатимизда машхур. Тошарик қалампир, булғор қалампир хатто Хамдўстлик мамлакатларига ҳам экспорт қилинади. Эрта баҳордан то кеч қузгача тиним билмайди-ган бу кишлок аҳолисини водийда "Асдехконлар" гўшаси деб ҳам юритишади.

Мухторжон Юсупов мана шу лафзи халол, меҳнатқаш, танти, ишнинг кўзини биладиган кишлокдагиларнинг бир вакили. Болалигидан дехкончилик, боғдорчиликка қизиққан Мухторжон ака ўрта мактабни тамомлагандан сўнг айнан кишлок хўжалиги соҳасини танлашга аҳд қилди. 1963 йили Фаргона педагогика олийгоҳининг "агропед" факультетига ўқишга кирди. Ўсимликлар дунёсини янада чуқурроқ ўрганди. Танлаган соҳасига оид илмий мақолалари, назарий тажрибалари билан устозлари назарига тушди. Хатто талабалар ўртасида ўтказиладиган халқаро фестивалларда муваффақиятли катнашди. Ўзининг мунозарали мақолалари билан республика матбуотларида тез-тез қуришиб турди.

1968 йили олий ўқув юртини муваффақиятли тамомлаган Мухторжон Юсупов, Бешарик туманидаги ҳозирги "Намуна" ширкат хўжалигига агроном бўлиб ишга келди. Гайратли, билимдон,

синчков, соҳасини пухта эгаллаган қахрамонимизни жуда кўп туманларга, нуфузли ташкилотларга ишга таклиф қилишса-да, ўзи тугилиб-ўсган тумани, кишлокдошлари ва устозларининг меҳри устунлик қилди ва она кишлогига қайтди. Хосилдорликнинг ривожини, мўл хосил манбаини, албатта, дехконга боғлиқ. Лекин ўша галлақор, пахтақорга амалий-назарий кўмаклашиш, ўғитлар билан таъминлаш, меъёрий озиклантиришда агрономнинг билимига суянамиз, албатта. Бу борада Мухторжон ака ўзини кўрсата олди. У фаолият юритадиган ширкат тез орада, нафакат туманда, балки вилоят миқёсида илгор хўжалиқлардан бирига айланган.

Ўқиган бошқа, уққан бошқа дейди донолар. Мухторжон Юсупов ҳам ўқиди, ҳам устозларининг панд-ўғитларини қалбига жойлади. У билимларини янада мустаҳкамлаш, соҳа олимларидан тажриба ўрганиш мақсадида 1981 йили аспирантурада ўқишни давом эттирди. Уч йил мобайнида ҳам ўқиб, ҳам ишлаб, энг номдор олимлар, академиклар назарига тушди. Устозларининг таклифи билан соҳасига оид илмий ишни бошлади. Республика-мизнинг хар бир вилоятидаги ерлар структураси, етиштириладиган хосилдорликнинг хима-хиллиги ва уларнинг навлари билан танишиб

чикди. Бу борада ўзининг монографияларини эълон қилди. Узок йиллик ўқиш, изланиш ўз мевасини берди.

Мухторжон Юсупов 1983 йили кишлок хўжалиқ фанлари номзоди илмий даражасини қўлга киритди. Дастлабки муваффақият қувончи билан қахрамонимиз вилоятига қайтиб, Фуркат туманида ишини давом эттирди. Кўп йиллар туман биологатория бўлимида меҳнат қилди. 2000 йилдан 2010 йилгача Бешарик тумани Агроиктисодиёт коллежида ёшларга сабоқ берди. Юзлаб шогирдларга устоз Мухторжон ака, бугун кексаллик гаштини суриб, ховлисидаги мевали дарахтлар, полиз экинларига меҳрини бериб, ўз тажрибаларини набиралари, фарзандларига ўргатиб келмоқда. Мухторжон аканинг бахти оиладан ҳам чопган-да. Меҳрибон, кўли ширин, пазанда турмуш ўртоғи Лолахон ая билан 6 нафар фарзандни вояга етказди. Онахоннинг ўзлари шифокор. Фуркат тумани, Навбахор шаҳарчасидаги марказий поликлиникада ички касалликлар шифокори бўлиб ишлаган. Айни кунда нафақа ёшида.

Намунали оиланинг барча фарзандларига хавас қиласиз. Ферузaxon - ўқитувчи, Зоиржон ота касбини эгаллаган. Дилафруз, Гулнора, Гулчехра, Юлдузxonлар ҳам жамиятимизнинг турли соҳаларида фидо-



корона меҳнат қилишади.
Ота-она дуоғўйимиз,
Хонадоннинг устуну улар.
Бири осмон, бири ойимиз,
Фарзандларин икболин тилар.
Бир чинорга мензалин келар,
Улар билан нурафшон хаёт.
Бизга бутун борлигин берар,
Жондан кечиб, фарзанд-чун хайхот.

Бугун Мухторжон ака, Лолахон ая фарзандларининг ардоғида. Шириндан-шакар набиралар, эваралар оғушида умргузаронлик қилишмоқда. Хонадоннинг суюкли қуёви Абдоржоннинг таъқидлашича, оила боғбони, эзгулик посбони, барча эвараларнинг суюкли мўсафидларидир. Улар билан хонадон чироғи хамиша нурафшон. Тилагимиз шуки, шу файзли остонанинг ёлқин чироклари сира ўчмасин.

Аббосбек МҲМИНОВ, ижодкор

УМР СЎКМОКЛАРИ ВА САБОКЛАРИ

Бугун табаррук тўксон ёшдан ўтиб, юз сари юзлашган нуроний инсон Остон Тошев хақида мактаб ўқувчилиги давримда эшитгандим. Шофиркон туманидаги энг билимли, зукко адабиёт ўқитувчиларидан бири бўлиб, кўплаб эл таниган шогирдларга сабоқ берган, бугун пиру бадавлат бўлиб, фарзанду набиранлар даврасида нур ёғилган юзи офтобдай порлаб турган устоз билан сўхбатлашиб, у кишининг хаёт йўлларига бир назар солдик.

Остон Тошев 1928 йилда дунёга келганлар, лекин туғилганлик туғрисидаги гувоҳномада 1932 йил кайд этилган экан. Бу энди ўша даврга хос ҳолат. Нима бўлмасин, ўтган асрнинг 30-йиллари ўзининг сурону бўҳронлари, 37-йилги катафонлари билан жуда беҳаловат, бешафкат бир замон бўлгани тарихдан маълум. Коллективлаштириш, колхозлаштириш бахонасида одамларнинг мол-мулки тортиб олинган, сал ўзига тўқлар кулок килинган, ҳамма ёппасига камбағаллаштирилган пайтлар. Уйда ёғ ишлаб чиқарадиган кичик бир обжувози бор кишилар "АҒ заводи" бор бойлар, деб узок ерларга бадарға килинган. Шундайлардан бири Карим Жабборовни Остон ака эсладилар. Ўқимишли, Бухоро мадрасасини битирган бу зот Остон акага болагиди кўп хаётини сабоқлар, панд-насихатлар килган эканлар. Остон бобо шу ёшда ҳам у кишидан ўрганган бир парча шеърни ёд айтиб бердилар:

*Ёшлик бир кизил гулдир,
Товланар қар ёна-қар ёна.
Қарилик бир бузук кўприк,
Ётар вайрона-вайрона.*

Хали энди катъий шаклланиб, кучайиб бораётган шўро хокимияти, кизил тузум инсонлар тинчлиги ва хаётига шундай тазйик ва таҳдид солар экан, албатта, у давр болалари ҳам бундан беҳад азоб ва азият чекидилар. Болалар бор эди, лекин болалик йўқ эди. Завку шодликка, ўйину кий-чувларга эш болалик йўқ эди. Ёш Остон уқаси Аслон билан онадан етим колди. Тайинли мактаблар бўлмагани боис мехмонхоналарда очилган ўқиш жойларида савод чиқарди. Ўн ёшга етар-етмас, киркинчи — кирфинли йиллар бошланди. Уруш! Бу сўз худди "шўриш" каби, бутун эл бошига кўп қулфату жафоларини ёғдирди. Отаси Латиф ака ҳам жангга жўнаб, шу бўйича кайтмади. Остон уқаси билан Фирт етим бўлиб, амакиси Халим бобо карамоғида колди. Ўн тўрт ёшидан колхозда ишлади, ОФир мехнат машаккатларини чекиди.

Химматчилик, кахатчилик, ОФир мехнат... Хорни нонга тўймас, одамлар ноиложликдан кунжара еб, шишиб ўлган йиллар. Улар бугун аянчли эртаққа ўхшайди. (Бугунги тўқинлик, хатто нонларнинг юз бир хилларини кўриб, дилингдан шукрона сўзлари отилиб чиқади).

Остон ака ўқиб, билим олишни истар, бироқ уруш йиллари бунинг ҳеч имкони бўлмади. У фронт ортидаги аҳоли каби машаккатли мехнат жабҳасида бўлди. Фақат 1950-1955 йиллар Шофиркон туманидаги Назаровлар институтида (Бухоро педагогика институти филиали) тахсил олди. Шуни айтиш керакки, Остон Тошев билим олишга ниҳоятда чанқок, иштиёки зўр ёшлардан эди. Хаёт кийинчиликларига карамай, бор кучини жамлаб, сабр ва катъият билан илм ўрганди. "Мавсумда пахта теришга чиқар эдик. Дардан колганимизга ачинсак ҳам, пахта далаларида бериладиган овқат, пахта пули бор учун ҳам хурсанд бўлардик. Лекин ўшанда ҳам вақт топиб ўқирдик" дейди кахрамонимиз. Ха, бир адиб "Тараққиёт тиконсиз бўлмайди" дегандек, машаккат чекмасанг, бир натижага эришиш кийин.

Остон Тошев институтни битириб 1955-1957 йиллар Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё туманидаги бир мактабда ишлаб келди. Шундан токи 1992 йил — пенсияга чиққунга қадар тумандаги 12-умумтаълим мактабда ёшларга сабоқ берди. Орада 1-2 йил туман хокимиятида тарғиботчи (1960-1961 й.) бўлиб ишлаганини хисобга олмаганда, 35 йил бир мактабда фаолият юритди.

Остон домланинг катъиятлилиги, ўз касбига садоқати ва илму заковати хақида ҳамма жойда, ҳамма вақт очик, ижобий, илик фикрлар айтилган. У кишининг шогирди, бугунги кунда нафакат республика, балки хорижий давлатларда ҳам маълуму машхур, филология фанлари доктори, профессор Иброхим Хаккулов ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ, яъни қарийб ярим асрча бурун "Шофиркон хақиқати" газетасида чиққан "Устоз муаллим" мақолаида шундай ёзган эди:

"Остон Тошев ўқувчиларга тил ва адабиёт фанидан пухта билим бериш учун бутун куч-қобилиятини сарф этиб келатган, муаллимларнинг бо-бокалони Кори Ниёзий айтгани мисол, ўз касбининг шайдойиси. Унинг йилдан-йил баланд рук билан ишлашининг боиси кам шу билан изокланади. Тажрибали педагог таълим бераётган

ўқувчилар ўзбек тили ва адабиёт фанларидан муқаммал билим олмоқдалар. "Ўқитувчи кўп нарса билиши керак, у доим китоб варақлаши, муқокама, мушоқада этиши лозим". Остон Тошевнинг кундалик шиори бу. Дарвоқе, домланинг шахсий кутубхонасидаги кўп жилдли китоблар, неча йиллардан бери ардоқланиб сақлаб келинаётган газета ва журналлар унинг билими бойиб боришига кўмақдош. У изланади, ўрганади, ўргатади. Изланганда кам ниёт, ихлос билан, пала-партишлиқдан йирок, чидам билан изланади. Кани энди камма кам Остон Тошевдек китоб, журнал, кутубхона ўқув ва никоят ўқитувчиликни моқиятини шунчалик чуқур англа-ласа дегим келади".

Бу фикрлар ёзилгандан кейин ҳам Остон домла 20 йилча ўқитувчилик килди. Бу йилларда янада кўпроқ билим ва тажриба, малака орттирдики, у тўла маънода етук адабиёт муаллими бўлиб танилди. Зеро, устознинг кимматли маслаҳати-ю, олтин сабоқларини олган бир қатор шогирдларни бугун туман, вилоят, республикада ҳам яхши танишади ва тан олишади: фан докторлари Иброхим Хаккул, Кахрамон Ражабов, Шоира Ахмедова, таникли олимлар Эркин Гадов, Тохир Хўжа, маърифатпарвар адиблар Омон Абдулла, Карим Бобомуродов... Бу рўйхатни узун давом эттириш мумкин.

Туман хокимлигининг масъул ходимларидан бири Карим Бобомуродов шундай дейди: "Устоз ўқувчиларни хар қандай вазиятда ҳам каттик урушиб-қойимас, энг аччик гапи "номаъкул килибсан" дейиш эди. Лекин шу сўзлари ҳам биз учун яхшигина дакки вазифасини бажарардики, устоздан шуни эшитмасликка харакат килардик".

Дархақиқат, чуқур хурмат ва ихлосни қозонган устознинг хатто бир имо-ишораси ҳам ёшларни тартибга чакириб, хушёрликка ундаши табиий. Нозиктаёб шоир, баҒрикенг инсон Омон Абдулла худди шу фикрни давом эттириб "Устоз борган тўй-хашамларга ўқувчилар боришга ботинолмас эди. Хатто кўчадан дарвозалари олдидан ўтишда хушёр тортиб, "хавфли *удуд" деб ўтишарди", дейди. Ха, Остон домла



кўркинчи эмас, балки уни салобати, салохияти, хурмати боис ўқувчилар жиндай хайкиб, лекин каттик хурмат килганлар. Бугун баъзи бир ўқитувчиларнинг ўз ўқувчилари олдидан хурмати пастиги ёхуд ёшларнинг тўйбазмларда ўз устозига гоҳо менсимай муносабатда бўлиши каби салбий ҳолатлар хақида эшитганда Остон домларнинг салобатли ва заковатли сиймоси кўз олдимишга келади. Бундай доно инсонлар, кадрли отахонларнинг хаёти бугунги кун учун ҳам ахамиятли, ёшлар учун ибрат ва хикматдир.

Остон бобо Робия буви билан етти нафар фарзандни ҳалол мехнат билан улғайтириб, тарбияладики, улар ҳам бугунги кунда турли соҳа ва жабҳаларда эл хизматида. Кўплаб невар-ю эваралар даврасида бугун Остон бобо кўр тўқиб, кексалик гаштини сурмоқда. Истиклолдан қуч ва илхом олиб, 90 дан ошган бўлса ҳам боғида, томоркасида мехнат килиб, ҳосил етиштирмоқда.

Хорманг, Остон бобо, юз билан юзлашинг, устоз, деймиш!

Остон бобо ва Робия буви-ларнинг нурли ва файзли хаётларига, сиймоларига бокиб шоирнинг самимий сатрлари тилга келади:

*Хар нарсага қодир табиат,
Асрамагил шундай қаришдан.
Иккисининг қифтидан кетмас
Неча йилки икки фаришта.*

Дилшод РАЖАБ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Халқаро "Олтин қалам" муқофоти сокиби

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги рақбарияти ва шахсий таркиби вазирлик Ишлар бошқармаси бошлиги полковник Арипов Комилжон Мерсаидовичга волидаи муқтарамалари
МУНИРА АЯНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур қамдардлик билдиради.

<p>УАТ</p> <p>Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги</p>	<p>Бош муҳаррир Дилшод РАЖАБОВ</p> <p>Газета тахририят компьютерхонасида саҳифаланди.</p> <p>Газета хар ҳафтанинг пайшанба кунини чиқади. Топшириш вақти — 15:00. Топширилди — 15:00.</p>	<p>Навбатчи Б.ВАЛИЕВ</p> <p>Тахририятга юборилган материаллар қайтарилмайди ва изох берилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.</p> <p>Газетадан олинган материаллар манбаси курсатилиши шарт.</p>	<p>Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 3 январда 0096-рақам билан рўйхатга олинган. ISSN 2091-5292 Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т</p> <p>Тахририят манзили: 100084, Тошкент шаҳри Қишлоқхалқ.т.ш. 4/ло Тел.: 255-58-49, (97) 430-28-48</p>	<p>Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 382 нешебийсе!</p> <p>Газета "BUSINESS PRINT PLUS" МЧЖ босмахонасида босилди. Манзил: Тошкент шаҳри, Сўғалли ота кўчаси, 5-уй. Буюртма № Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т Адади — 3700 нусха</p>
---	---	---	--	---